



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 245 (12.306)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик ҳалқимизнинг энг катта бойлигидир. Бу улуг неъматнинг барқарорлиги ва бардавонлиги ҳам жамоатчиликнинг, юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг фаоллиги ва фидойилигига боғлиқ.

Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 24 октябрдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашининг ташкил этилгани бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш, миллий армиямиз ва аҳоли ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА муҳбири Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, халқ шоири Иқбол МИРЗО билан мазкур кенгашнинг мақсад ва вазифалари ҳусусида суҳбатлашди.

– Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондон Ислам Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама ривожланган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкили жиҳатдан пухта, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армиямиз барпо этилди, – деди Иқбол Мирзо. – Ушбу ислохотлар сармрасида армиямиз нафақат Ватанимиз сарҳадлари ва халқимиз осойишталигининг ишончли ҳимоячиси, балки ёшларда мустаҳкам ирода ва характерни шакллантирадиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ўзига хос мактабга айланди. Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилган йигитлар жисмонан соғлом ва бақувват, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлиб етишмоқда. Ёшларимиз орасида армияда хизмат қилишга қизиқиш ва интилиш кучайиб бораётди.

Шундай экан, бу соҳага оид давлат сиёсати, ҳарбий хизматчиларга яратилаётган шароит ва имкониятлар, фуқароларни муқаддас ҳарбий хизматга чақириш, шартнома бўйича ҳарбий хизматга жалб этиш, резервга бўшатилган фуқароларнинг ижтимоий мослашуви каби масалалар бўйича олиб борилаётган ишлар кўпчилигини қизиқтирадиган. Мудофаа вазирлиги ҳузурида тузилган Жамоатчилик кенгаши аҳоли, фуқаролик жамияти институтлари ва Мудофаа вазирлигининг бу борадаги ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш, вазирлик фаолиятининг очiq-ошқоралигини таъминлашга хизмат қилади.

Бу мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, шунингдек, фуқаролик жамия-



яти институтларининг жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш борасида амалга ошираётган ишларига ёрқин мисолдир.

бий таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, маданият, санъат, фан ва спорт намоёндаларидан таркиб топгани бу вазифаларни изчил бажариш имконини беради, деб ўйлайман.

Бунинг учун кенгаш аъзоларига кенг ва ақолатлар берилган. Масалан, улар ҳарбий қисм ва бўлинмаларда бўлиб, шахсий таркибининг ижтимоий ва

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ

– Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари нималардан иборат?

– Жамоатчилик кенгаши мажлис ҳуқуқига эга бўлиб, ўз фаолиятини жамоатчилик йўли билан амалга оширади. Хусусан, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасига оид масалалар юзасидан жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг мониторингини юритиши ва таҳлил қилиб боради. Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший ва хизмат шароитларини яхшилаш, резервга бўшатилган шахсларнинг ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган давлат дастурларининг амалга оширилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминлашнинг назорат қилади.

Бўлиниши ва ҳарбий қисмларда соғлом маънавий-руҳий муҳит, юксак ахлоқ ва маданият сақлалини таъминлаш мақсадида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш, Мудофаа вазирлигининг бу борадаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳам кенгашнинг асосий вазифаларидандир.

Жамоатчилик кенгашининг ижодий уюшмалар, жамғармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, олий ҳар-

ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинаётгани, ҳарбий қисмда қарор топган ҳуқуқий тартибот ва ҳарбий интизом ҳолати билан бевосита танишиши, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашиб, уларнинг ўй-фикрлари, муаммо ва истакларини ўрганиши мумкин. Давлат идоралари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда конференциялар, форумлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳуқуқига эга.

– Жамоатчилик кенгаши томонидан ҳозир қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Давлатимиз раҳбарининг юқорида номи қайд этилган қароридан Жамоатчилик кенгаши зиммасига бир қатор вазифалар юклатилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан фуқаролар ва жамоат уюшмалари билан ҳамкорлик борасида ташкил этилган ишларни танқидий-таҳлилий ўрганиш, шу асосда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда амалга оширилаётган тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш белгиланган.

(Давоми 2-бетда)

Парламент эшитуви

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

18 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича Дастур бажарилишининг бориши тўғрисидаги парламент эшитуви бўлиб ўтди.

Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф. Ибрагимов ахборот берди. Ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ташаббусига кўра бу тадбир Дастур бажарилишининг боришини танқидий жиҳатдан таҳлил этиш, Ватанимиз саноятини ривожлантиришнинг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, мазкур кенг қўламли ишда депутатлар корпусининг фаоллиги ва ролини ошириш мақсадида ўтказилди.

Шу нарса таъкидландики, Дастурда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан сановатда умумий суммаси қарийб 50 миллиард доллар бўлган 500 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан, геология ҳамда иссиқлик-энергетика комплексларида, кимё, нефть-кимё ва металлургия сановатида умумий суммаси 41,8 миллиард доллар бўлган 220 та лойиҳани амалга ошириш назарда тутилган. Мамлакатимиз санояти ва иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишга, жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга, шунингдек, тузилма ташкил этишчи тармоқлар ривожланишига боғлиқлигини камайтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Энергетикани, нефть-газ-кимё ҳамда кимё саноятининг жадал ривожланишини таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш юқори қўшимча қийматга эга ва дунё бозорида талаб кучли бўлган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан янгилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, sanoatga илғор инновацион технологияларни илдам жорий этиш, sanoat ички кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳам кўп жиҳатдан ана шунга қўмақлашади.

Чунончи, жорий йилнинг октябр ойида қиймати 4,33 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 33 та инвестицион лойиҳа, шу жумладан, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясида – 11 та лойиҳа, «Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖда – 6 та лойиҳа, «Навоий КМК» давлат корхонасида – 5 та лойиҳа, «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компаниясида – 4 та лойиҳа, «Ўзметкомбинат» ОАЖда – 4 та лойиҳа, «Ўзкимёсановат» ДАКда – 3 та лойиҳа ниҳоясига етказилди. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши газ қувурларининг газ ташиш қувватини йилга 30 миллиард куб метрга, сиқилган газ ишлаб чиқаришни 50 минг тоннага, нефть шламани қайта ишлашни йилга 5 минг тоннага кўпайтириш имконини беради. Электр энергияси ишлаб чиқариш, руда қазиб олиш ва қайта ишлаш кўпайди, объектларнинг инфратузилмаси кенгайтирилди ва модернизация қилинди. Косметика маҳсулотини, галлантерей товарларини ва болалар ўйинчоқларининг янги ишлаб чиқаришлари ўзлаштирилди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкент вилоятида жорий йилнинг тўққиз ойида иш бошлаган 350 дан ортиқ ишлаб чиқариш субъектининг 34 таси қурилиш материаллари тайёрлашга ихтисослаштирилган. Улар томонидан ўтган даврда қиймати 1,3 миллион АҚШ доллариллик ҳамда 16,1 миллиард сўмликдан ортиқ сармоялар ўзлаштирилиб, 500 дан зиёд иш ўринлари ташкил этилди.

• Шеробод туманидаги «Обид-Холит-Файз» хусусий корхонаси томонидан янги лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинди. Натижада 300 миллион сўм эвазига паррандачилик фабрикаси ташкил этилиб, 6 мингта зотли товук парвариши йўлга қўйилди. Эътиборлиси, бу ердаги барча юмушлар автоматлаштирилган ускуналар ёрдамида бажарилади. Хусусан, товукни озиклантиришдан тортиб, ҳаво ҳароратини назорат қилишгача бўлган жараён компьютер ёрдамида бошқарилади. Туманда жорий йил охирига қадар яна 14 та ана шундай истиқболли лойиҳа рўйбга чиқарилиши, бунинг учун 5,1 миллиард сўмликдан зиёд сармоя йўналтирилиши режалаштирилган.

• Пойтахтимиздаги «Эски жўва» бозори ҳудуди яқинида «Шарқ зиё заковат» масъулияти чекланган жамияти томонидан «Китоб маркази» фойдаланишга топширилди. Унинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган беқиёс ўзгаришлар, китобнинг инсон камолотида тутган ўрни ҳусусида тўхталдилар. Ҳозир бу ерда 1200 номдаги янги китоблар савдога қўйилган. Улар орасида болалар ва жаҳон адабиёти намуналари ҳамда ўқув дарсликларига, айникса, талаб катта бўлмоқда.

ЖАҲОНДА

• Халқаро энергетика агентлиги йиллик ҳисоботини эълон қилди. Унда қайд этилишича, янги конларни ишга тушириш борасидаги фаоллик АҚШни 2020 йилга бориб нефть қазиб олиш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқишини таъминлаши мумкин. Шундай қилиб, неча йиллардан бери етакчилигини қўлдан бермай келаётган Россия ва Саудия Арабистони энди иккинчи ўринга тушиб қолади. Яна бир гап. Эҳтиёжининг 20 фоизини четдан импорт қилинган нефть ҳисобига қоплаётган АҚШ 2030 йилга бориб экспортёр мамлакатга айланади. АҚШ энергетика вазирлигининг маълумотларига қараганда, бу йил АҚШда нефть қазиб олиш даражаси ўртача 7 фоизга ошган ва бир кеча-кундузда 10,76 миллион баррелга етмоқда.

• Перуда янги қонун кучга кирди. Унга кўра, кимки ёки қайсики ташкилот террорга алоқадор бирор-бир гуруҳга (бу гуруҳ мамлакат ичида ёки ташқарисида бўлишидан қатъи назар) молиявий қўмақ берса ёки ҳомийлик қилса, ажратган маблағи қанча бўлишидан қатъи назар, 20 йилдан 35 йилгача қамқоқ жазосига маҳкум этилади, дея ҳабар беради ИТАР-ТАСС. Перунинг антитеррор полицияси маълум қилишича, бугунги кунда мамлакатда умрбод қамқоқ жазосига ҳукм қилинган Абимазл Гусман («Сендеро луминосо» террорчилик ташкилоти асосчиси) кўрсатмалари бўйича иш кўрувчи «Амнияти ва асосий ҳуқуқлар учун» ҳаракати яширинча фаолият олиб бормоқда. «Сендеро луминосо» террорчилик ташкилоти 1980-90 йилларда Перуда фаол ҳаракат қилган. Айнан улар уюштирган бузғунчиликлар оқибатида 70 мингдан ортиқ одам ҳаётдан кўз юмган.

• Шри-Ланкада рўй берган кучли сув тошқинлари ва ер кўчкилари натижасида 16 киши ҳалок бўлди, яна 11 та одам бедарак йўқолган. Табиий офатларга қарши кураш марказининг маълумотларига кўра, мамлакатда юз берган ушбу табиат инжиқликларига сабабли 10 мингдан ортиқ киши уй-жойсиз қолган.

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАФИШЛАНДИ

Шанхайда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий ҳамкорлик масалаларига бағишланган бизнес анжумани бўлиб ўтди.

«Lonking» холдинг компанияси директорлар кенгаши раиси Ли Синьянь ўзининг сармоявий сиёсат ҳусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, Ўзбекистонда жозибador сармоявий муҳит яратилгани ҳолда хорижлик сармоядорлар учун қўлай шарт-шароит ва имтиёзлар мавжуд эканлигини қайд этди.

«Хитой учун Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш катта аҳамиятга эгадир, деди у. Биз ахборот технологиялари, сармоя ва савдо сингари соҳалардаги алоқаларнинг янада кенгайишидан манфаатдоримиз. Хитой ишбилармон доираларида Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка бўлган қизиқиш тобора кучаймоқда».

Бизнес анжумани доирасида «Lonking» машинасозлик холдинг компаниясининг асосий дилерларини тақдирлаш

маросими ҳам бўлиб ўтди. Холдинг директорлар кенгашининг яқдил қарорига биноан, «Lonking» компанияси қурилиш техникаларининг мамлакатимиздаги дистрибутори ҳисобланадиган Ўзбекистон — Хитой савдо уйи «Энг ўсувчан дилер» муқофотиغا сазовор бўлди.

Ли Синьянь қайд этганидек, мамлакатимизда амал қилаётган эркин иқтисодий ҳудудлар, Ўзбекистон — Хитой махсус технопарки яратилгани Хитойнинг етакчи компанияларини Ўзбекистонда юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни барпо этишга рағбатлантирмоғи лозим. «Бунинг учун Ўзбекистонда барча зарур шароитлар — сиёсий барқарорлик, қўлай сармоявий муҳит, юқори малакали мутахассислар ва бой табиий ресурслар мавжуддир», деди у.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** «Ўзбекнефтсановат» компанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкор-

лигида ташкил этилган тадбир «Ўзбекнефтсановат» ДАК тизимида инвестицияларнинг жалб этилиши ва унинг аҳамияти» мавзусига бағишланди.

✓ **КЕЧА** Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси «Надавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент Архитектура ва қурилиш институти қошидаги академик лицейда «Сиз «Камолот»ни биласизми?» ҳамда «Етакчи ва етакчилик маҳорати» мавзусида ўқув-семинарлари бўлиб ўтади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Парламент эшитувларига тайёргарлик кўриш бўйича тасдиқланган режага мувофиқ Қонунчилик палатаси томонидан тегишли ишчи гуруҳ ташкил этилиб, унинг таркибига ҳукумат, вазирликлар ва идоралар вакиллари киритилди, масалани ўрганиш якунларига доир таҳлилий материаллар тайёрланди.

Парламент эшитувларига тайёргарлик доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан 50 дан зиёд учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда 1,5 мингдан ортиқ соҳа мутахассислари, экспертлар ва иқтисодчи олимлар, давлат органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг, ишбилармон доиралар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирок этдилар.

Қонунчилик палатаси депутатлари геология ҳамда иқтисодчи энергетика комплексларининг, кимё, нефть-кимё ва металлургия санъатининг бир қатор санъат объектларида бўлдилар. Чўночи, Дастур бажарилишининг ҳолати жойларда: Қорақалпоғистон Республикасида – Сурғил кони негизда Устпорт газ-кимё комплекси қурилиши объектларида; Қашқадарё вилоятида – «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонасида сиқилган газ ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун пропан-бутан қоримаси ускунаси қурилишида, Деҳқонobod калийли ўғитлар заводи қурилиши кенгайтиришда; Навоий вилоятида – «Навоий КМК» давлат корхонаси объектларида, Навоий иссиқлик-электр станциясидаги буғгаз ускунаси қурилишида, техник кремний ҳамда косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришида; Тошкент вилоятида – «Ўзметкомбинат» ОАЖ, «Олмалик КМК» ОАЖ ва бошқа бир қатор корхоналарнинг объектларида ўрганилди.

2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси санъатини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича Дастурнинг муҳоамаси жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари Дастурга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши усти-

дан парламент томонидан назорат қилиниши санъатнинг ривожлантирилишини ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология жўхатдан янгилаш асосида барча санъат комплекслари ва корхоналарининг рақобатдошлигини қонунчилик йўли билан таъминлаш самарадорлигини ошириш имкониятини яратишни таъкидладилар.

Шунингдек, депутатлар Дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши муҳимлигини, бунда санъат ички кооперациясини янада ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалаларига,

фирмовчи, интеллектуал жиҳатдан ривожланган ва юксак касб тайёргарлигига эга бўлган ёшлар муҳим гаров эканлигини таъкидладилар. Олий ўқув юртлари, коллежлар ва лицейлар, хусусан, машинасозлик, алоқа ва телекоммуникация соҳасидаги ўқув юртлари битирувчиларининг янада чуқурроқ техник ихтисослашувини таъминлаш муҳимдир.

Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрига кўра, электр энергияси ишлаб чиқаришда ва муқобил электр манбаларини ривожлантиришда янгилаб туриладиган технологиялардан фойдаланиш мамлакатимиз санъатини жадал ривожлантиришга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтиришга, маҳсулотнинг ҳажон бозоридagi рақобатдорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, депутатлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энергия сарфини пасайтириш ҳамда бу соҳада Дастурга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари ҳукуматнинг юқори технологияга эга бўлган ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш, инновацион, экологик жиҳатдан тоза ва зарарсиз технологияларни жорий этиш соҳасида амалга ошираётган чора-тадбирлари жуда муҳимлигини таъкидладилар. Бунда санъатни модернизация қилиш бўйича лойиҳалар, аввало, минтақаларнинг экологик вазиятини, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли соғлигини сақлаш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини инобатга олган ҳолда амалга оширилмоқда.

Депутатларнинг фикрига кўра, Сурхондарё, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларининг газ тақсимлагич тармоқларида табиий газнинг чиқиб кетишини камайтириш ҳамда Шимол Шўртан, Гармистон ва бошқа конларда қоримса газларни утилизация қилиш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши умуман атроф-муҳит тозалигини таъминлаш имконини беради. Депутатлар парламент эшитиши якунлари бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қарорини қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳозирги кунда кенгаш аъзолари жойларда бўлиб, ҳарбий хизматчилар ва қаҳриққача бўлган ёшларда юксак маънавий фазилатларни шакллантириш, давлатимиз томонидан миллий армиямиз таркибининг ҳуқуқий ва иқтимоий ҳимояси йўлида кўрсатилаётган гамҳўрлик ва эътиборни аҳоли ўртасида кенг тушутириш, ҳарбий хизмат нуфузини янада ошириш, шунингдек, фуқаролар, нодавлат ҳотимкорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини кенгайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқмоқда.

Кенгаш раиси сифатида мен ҳам бир қатор ҳарбий қисмларда бўлдим. Аскарларнинг яшashi ва хордиқ чиқариши учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдим. Қисмлардаги кутубхоналар, маънавий-маърифий тайёргарлик хоналари эътиборини тортди. У эрта ҳарбий адабиётлардан ташқари бадиий ва тарихий асарлар ҳам кўп экан. Ҳарбийларнинг китобсеварлиги, билимга интилишига ҳавас қилса арзийди.

Президентимиз таъкидлаганидек, армиямизнинг кучига кўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, унинг номи – ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини кўчур аниқлаш ва тушуниши демакдир.

Шу боис ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, қолаверса, ёшлар орасида соғлом маънавий-руҳий муҳит, юксак ахлоқ ва маданиятни шакллантириш Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Соҳага дахлдор ташкилотлар билан биргаликда қаҳриққача тайёрланаётган ўспиринлар ва ҳарбий хизматчиларнинг маънавияти ва дунёқарашини кенгайтириш, ён-атрофда рўй бераётган ҳодисаларга муносабати ва ҳаётий позицияларини шакллантириш, Ватан тақдири, унинг мустақиллиги ва ҳафсизлигини мустаҳкамлаш учун шахсий масъулиятини кучайтириш биздан катта эътибор ва куч-имкониятларни сафарбар этишни талаб қилади.

Шу кунларда жамоатчилигимиз мамлакатимиз ҳаётидаги энг қадрли, энг қўлтуғ байрамлар қаторидан ўрин олган 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Бу ўз ҳаётини эл-юрт ҳимоясига бағишлаган жасур ўғлонларга чуқур ҳурматимизни билдириш билан бирга ҳалқимиз тинчлиги ва ооийишталлигини, мамлакатимиз ҳафсизлигини таъминлашда Қуролли Кучларимизнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўзлашнинг айнаи фурсатидир.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳам Қуролли Кучларимизнинг 21 йиллиги муносабати билан турли учрашувлар ўтказиб, ҳарбий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг аҳамияти ва самараларини тарғиб этишни режалаштирган. Яқин кунларда кенгашининг махсус сайти яратилиб, унда жамоатчилик фикрига кенг ўрин берилади.

Ушбу чора-тадбирлар самарасида ҳалқимиз мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида олиб борилаётган ислохотларда билвосита ёки бевосита иштирок этади. Аҳоли ва армиямиз ўртасида алоқалар янада мустаҳкамланади. Бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ўз фирмулоказлари, дахлдорлик тўғриси, оғоҳлиги ва ҳўшёрлиги билан Ватан ҳимоясига хизмат қилади. Зеро! Конституциямизда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир.

Анвар САМАДОВ

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ли Синьяннинг маълум қилишича, 2011 йили Ўзбекистон Республикаси Савдо-санъат палатасининг тизимли бўлинмаси сифатида Ўзбекистон – Хитой савдо уйига дилерлик ҳуқуқи берилган ва биргина ўтган йилнинг ўзида компаниянинг 100 та қурилиш техникаси сотилган. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда мазкур холдинг компаниясининг ишлаб чиқариш корхонасини очиб ва сўнгра уни маҳаллийлаштириш масаласи кун тартибидида тобора долзарб бўлиб бормоқдаки, бу Марказий Осиё бозорини самарали ўзлаштириш имконини беради.

Хитойлик бизнесменнинг айтишича, стратегик шериклик муносабатларининг йўлга қўйилгани, доимий равишда тақомиллашиб бораётган меъёрий-ҳуқуқий заминнинг мавжудлиги, устувор сарможий режаларни ўзлаштириш бўйича лойиҳаларнинг мамлакат ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланаётгани боис Хитойдаги йирик корпорацияларнинг Ўзбекистонга бўлган эътибори ва қизиқиши янада ошиб бормоқда.

«Ҳаҳон» АА Шанхай

Анжуманлар

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ва Савдо-санъат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш омиллари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданиятини оширишга бағишланган семинарда Марказий банкнинг худудий Бош бошқармаси, Савдо-санъат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси, шахримиздаги тижорат банклари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда бошқа мутасадди идоралар вакиллари иштирок этди.

Семинардан кўзланган мақсад кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни рағбатлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига тушуниришдан иборатдир.

— Ўзбекистон Савдо-санъат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва унинг жойларда ташкил этилган бўлимлари тадбиркорлик фаолиятида юзага келган муаммоларни бартараф этишда, бу борадаги асосли таклифларни тегишли давлат ва ҳокимият органлари ҳамда Республика Савдо-санъат палатаси орқали қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларга етказишда кўмаклашди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Савдо-санъат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси жамоатчилик кенгаши масъулотиби Ҳасан Мадалиев. — Мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривожланиши учун давлатимиз томонидан катта аҳамият берилмоқда. Бунинг мисоли сифатида жорий йилнинг ўзида тадбиркорликка оид бир нечта қонун ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилинганини таъкидлаш лозим.

Бугунги тадбир тадбиркорлар фаолияти давомида банк соҳасида ва ҳам ашё маҳсулотларини сотиб олишда юзага келаётган муаммолар, қолаверса тижорат банкларидан олиниши лозим бўлган кредит масалаларини муҳомада қилиш мақсадида ўтказилмоқда. Мамлакатимизда кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилган. Бугунги семинар орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти давомида уларни қийнаётган муаммоларга эътибор қаратиш, бундан ташқари банklar билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш йўллари, тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш масалалари кўриб чиқилади. Ушбу семинар-тренинг мутасаддиларни тадбиркорлар фаолиятида учраётган муаммолардан бохабар этиб, уларнинг ечимини топишда амалий ёрдам кўрсатишга хизмат қилади деган умидданан.

Семинардан Савдо-санъат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиги вазифасини бажарувчи Улугбек Абдуллаевнинг «Ишбилармонлик учун қулай муҳит ва тадбиркорликка янада кенг эркинликлар», Миллий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бўлим бошлиги Дониёр Нафасовнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига Миллий банк томонидан таклиф этилаётган имтиёзли кредитлар» ва бошқаларнинг маърузалари тинланди.

Тадбиркорларнинг барча саволларига мутасаддилар томонидан жавоб қайтарилди. Ҳўшёрлик, очик мулоқот тарзида ўтган учрашув кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг келажак фаолиятида асқоттади.

Зиёда РАСУЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

санъатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари Дастурда: «санъат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида маҳаллийлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш» — санъатни ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланганига эътиборини қаратдилар. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш масалалари билан бевосита боғлиқдир. 2013 йилда мамлакатимизда 972 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этиш мўлжалланаётганлигини ҳисобга олганда марказида ва жойларда мазкур Дастурнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш ижро этувчи ҳокимият органларининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиши лозим.

«Миллий тикланиш» Демократик партияси фракцияси аъзолари санъатни изчил ва инновацион ривожлантириш, мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш учун катта аҳамиятга эга бўлган Дастурни муваффақиятли бажаришда энг аввало, билимли, замонавий

бошқарма шулардан 35 тасини қабул қилиб олди. Қолганларини 2013 йилнинг бошларида жадал асосида етказиб берилиши кўзда тутилган. Ушбу машиналар ҳар кун эрталабки соат 6 дан 22 гача икки сменада туманларда узлуксиз фаолият кўрсатмоқда.

Махсус автотранспорт воситалари орқали олиб чиқилган чиқиндилар 3 та чиқиндини қайта юклаш шохобчасига етказилади. Ҳар бир чиқиндини қайта юклаш шохобчасида 2 тадан қисув ускунаси ўрна-

тилган. Улар кучи билан ҳар бир шохобчада кунига 740 тоннагача, жами 2100 тоннадан ортиқ чиқиндини пресслаш имконияти мавжуд. Чиқиндини қайта юклаш шохобчаларида қабул қилинган чиқиндилар прессланиб, 27 метр куб ҳажмидаги улкан контейнерларга юкланади ва тегишли автотранспорт воситалари ёрдамида шаҳар ташқарисидagi махсус чиқинди кўмиш полигонига олиб борилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда пойтахтимиз йирик мегаполис шаҳарлардан бирига айланади. Аҳоли сони тобора ортмоқда. Табиий эҳтиёж туфайли чиқиндилар миқдори ва ҳажми ошиб бормоқда. Жумладан, яқна тартибдаги хонадонлар эгалари томонидан баъзан маиший чиқиндиларни кўча ёқасига олиб чиқиб қўйиш, кўчалар, ариқ ва сувларга чиқиндиларни ташлаб кетиш каби салбий ҳолатлар кузатишмоқда. Натижада бу шаҳар экологияси ва санитария-эпидемиологик муҳитига салбий таъсир кўрсатмоқда.

«МАХСУСТРАНС»: ОБОДЛИК ВА ОЗОДАЛИК ЙЎЛИДАГИ САМАРАЛИ ИШЛАР



Бундан буён транспорт воситаларининг ўз вақтида келиши маҳалларда ташкил қилинган жамоатчилик комиссиялари томонидан назоратга олинади.

Ҳозирги кунда шахримиздан олиб чиқилаётган чиқиндиларнинг фақат 14 фоизига сараланиб, қайта ишланмоқда, холос. Қолган 86 фоиз зарарсизлантирилмоқда. Янги тизим жорий қилиниши натижасида эса бундай чиқиндилар миқдорининг 60 фоизгача камайиши кутилмоқда. Келгуси йилда ҳам бундай ишларнинг кўлами янада кенгайди.

Чиқиндиларни ташиб бўйича жорий этилаётган янги тизим, аввало, пойтахтимизда тозалик-озодаликка, экологик, санитария-эпидемиологик шароитини яхшилашга олиб келади.

Кўриниб турибдики, пойтахтимизни озода ва ораста тутишда эътиборга молик ишлар олиб боришмоқда. Тўғри, шахримизда маиший чиқиндиларни ташиб борасида айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Ҳозирда уларни бартараф этиш йўлида катта савий-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бирок, «Ўзр икки кўлдан чиқадим», деганларидек бу борада маҳаллар фаоллари, аҳоли ҳам масъулиятини янада оширса айнаи мудабо бўлади. Зеро, шаҳар озодлигини таъминлаш ва экологиясини яхшилашдек хайрли ишларнинг амалга оширилишида, «Махсустранс» ИЧБ, бошқа тегишли корхона ва ташкилотлар мутасаддилари билан бир қаторда, шаҳар аҳолиси, биринчи навбатда, хонадон эгаларининг ўрнини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Барчамиз бу борада ҳамжиҳатликда иш юритсак, шубҳасиз, шахримиз янада гўзал ва обод бўлади.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 20 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасида кириб келаётган янги – 2013 йилни мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилгани барча юртдошларимизни хушнуд этди.

Шу билан бирга, бу ҳаммамизнинг зиннамизга муайян вазифалар ва масъулият юклайди, албатта.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш жамиятимизнинг бош йўналишидир.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда, жумладан, унинг пойтахти бўлиши Тошкент шаҳрида Юртбошимиз раҳнаомлигида улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ва аҳоли учун қулай инфратузилма барпо этиш борасида кенг қўламадаги ишлар амалга оширилди. Янги замонавий мавзелар, муҳташам иншоотлар, ҳар тарафлама қулайликларга эга талай кўп қаватли ва яқна тартибдаги уй-жойлар бунёд этилди. Узлуксиз олиб борилаётган кенг камровли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари шаҳар кўрпига кўрк кўшмоқда.

Шундай бўлиши ҳам керак. Негаки Тошкентдек мегаполис шаҳарнинг ободлиги ва тозаллигига эътибор қаратиш шу куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада шаҳар ҳўжалигида «Махсустранс» ишлаб чиқариш бошқармаси (ИЧБ) муҳим ўрин тутди.

Маълумки, «Махсустранс» ИЧБ шахримизда маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича аҳолига хизмат кўрсатувчи ягона тизим ҳисобланади. Корхонада икки мингдан ортиқ ишчи-ҳодим меҳнат қилади.

Бугунги кун ҳолатига кўра, бошқарма тасарруфида 337 та махсус автотранспорт воситаси мавжуд. Ҳар кун уларнинг камида 230 – 245 таси аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Урта ҳисобда кунига шаҳардан 1900 – 2100 тонна маиший чиқинди олиб чиқиб кетилади. Бунинг кўламини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги пайтда шаҳар худудида 709 та қўриқланадиган, 378 та модул турдаги чиқиндиҳона майдончаси мавжуд. Барча майдончаларга махсус контейнерлар ўрнатилган. Кўриниб турибдики, атроф-муҳитнинг тозаллигини таъминлаб, оғиримизни енгил қилиб келаётган бошқарма зиммасига ниҳоятда масъулиятли вазифа юкланган. Энди тўлиб қолган контейнерлар ўз вақтида олиб кетилмаса, қандай нохуш вазият юзага келиши мумкинлигини кўз ўнгимизга келтириб қўрайлик.

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан бошқарманинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, белгиланган комплекс чора-тадбирлар режасига асосан «Ўзавтолизинг» йўналиши бўйича 40 та «MAN» русумли, бундан ташқари, «Асака» банки кўмаги билан 121 та «MAN» ва «Isuzu» русумли махсус автотранспорт воситаларини харид қилиш юзасидан лизинг шартномалари имзоланди. Айнаи пайтгача

Ўзбекистон ва Япония мамлакатлари ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Бадий академиясининг Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройида тадбир бўлиб ўтди.

МАДАНИЙ МЕРОСНИ АСРАШ ЙЎЛИДА

Унда Ўзбекистон — Япония ўртасидаги илмий-маданий алоқаларни ривожлантиришга қўшган хиссаси учун Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройига Япония ташқи ишлар вазирининг Фахрий ёрлиги топширилди.

Халқаро маданият карвон саройининг тақдирланиши бежиз эмас албатта. Ўзбекистон ва Япония давлатлари ўртасида маданий алоқаларни ривожлантириш, маданият ва санъат ҳамда археология борасидаги лойиҳаларни татбиқ этишда ушбу марказнинг ҳам ўзи ўрни бор. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Икуо Хираяманинг қўллаб-қувватлаши орқали ўз фаолиятини бошлаган ушбу карвон сарой илмий-маданий илм олиш учун мўлжалланган Ўзбекистон-Япония ҳамда Буюк Ипак йўли мамлакатлари маданий меросини оммалаштиришга қаратилган марказдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан 2004 йил 13 майда «Халқаро Маданият карвон саройи» давлат мақоми берилди. Икуо Хираяма ҳар хил миллатлар билан биргаликда турли тарихий жараёнларга бой маданиятларни ўзаро ҳурмат қилиб, ЮНЕСКОнинг яхши ният элчиси вазифасида маданий меросни сақлашни катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, жаҳон миқёсида ушбу жараённинг аҳамиятини оширди.

Икуо Хираяма Халқаро Маданият карвон саройи бундан кейин ҳам Япония ва бошқа давлатлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш борасида бир қанча лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни режалаштирган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ТУМАНЛАРДА «КАМОЛОТ» КУНЛАРИ

Яқинда «Камолот» ЕИХ Сергели туман бўлими ташаббуси билан ташкил этилган «Камолот кунлиги» ҳам ёшларнинг турли бўғумчи гоялар тасвирига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилди. Қувонарлиси, бу каби «Камолот кунлиги» тадбирларининг ҳар жумада «Камолот» ЕИХ туман бўлимида анъанавий тарзда ўтказилиши режалаштирилган. Бундай тадбирларда элимиз суйган санъаткорлар, кино ва театр актёрлари, шоир ва ёзувчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, Зулфия мукофоти совриндорлари, спортнинг турли йўналишлари бўйича Осиё ва жаҳон чемпионлари иштирок этишади.

Ёш авлоднинг маънавий дунёқаролини кенгайтириш, уларни турли хилдаги салбий иллатлардан асраб-авайлаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, касбга бўлган меҳрларини кучайтириш, уларни таълим-тарбияга қизиқишларини ошириш, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида «Камолот» ЕИХ томонида кўллаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Сергели туманида бўлиб ўтган тадбир ўқувчи-ёшларда катта таассурот қолдириб, унда ўсиб келаётган ёш авлоднинг турли бўғумчи гоялардан асраш, бўш вақтларини интернет клубларида ўтказмасдан ўз маънавий-маърифий билимларини оширишга

сарфлашлари лозимлиги хусусида сўз борди. Тадбир давомида «Улфатлар» жамоаси қизиқчилари ўзларининг қизиқарли чиқишлари билан йиғилганларга хуш кайфият улаштирди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА



Ўқув муассасаларида

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Яқинда Сергели туманидаги 6-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида «Бошланғич таълим» фан ойлиги доирасида тадбир уюштирилди.

Унда мактабнинг 1-«д» синф раҳбари А. Тенешева, 2-«Б» синф раҳбари Ф. Раҳматжўяевалар «Кўшиш ва айириш белгилари ўртасида ўзаро боғлиқлиги» ҳамда «Ер сайёраси» мавзуларида очик дарс ўтказдилар. Кўргазмалари куруллар ва янги педагогик технологиялар асосида, очик мулоқот тарзида ўтказилган тадбир ўқувчиларни ўз устларида ишлашга ундади,

ташриф буюрган меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Савол-жавоб ва қизиқарли кўргазмалар асосида ўтказилган тадбирда ўқувчилар ўз билим ва маҳоратларини намойиш қилишди.

Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Бўстонлик тумани СИБ томонидан 1. 25.08.2009 й. № 220/2009 - сонли «Ижро ҳужжати» асосан 1974 й. и.ч. «Ваз 2101» д/р 11 А 0487. Бошланғич баҳоси - 602 954 сўм. 2. 17.12.2009 й. ижро ҳужжати асосан 1980 й. и.ч. «Ваз 2103» д/р Х 2897 АVM. Бошланғич баҳоси - 1 350 095,2 сўм. 3. 16.03.2010 й. № 1-21 - сонли ижро ҳужжати асосан 1980 й. и.ч. «Ваз 2101» д/р 11 В 8452. Бошланғич баҳоси - 1 017 970,8 сўм. 4. 20.06.2010 й. № 158-2010 - сонли ижро ҳужжати асосан 1989 й. и.ч. «Газ-2417» д/р 11 М 0152. Бошланғич баҳоси - 970 960 сўм. 5. 18.03.2009 й. № 1-25 - сонли ижро ҳужжати асосан 1988 й. и.ч. «М 412 ИЭ» д/р 11 З 8304. Бошланғич баҳоси - 539 119 сўм. Бўстонлик туман Фазалкент 2 «Мариям Текстиль Сервис» МЧЖ жарима майдонида сақланмоқда. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 6. 27.08.2012 й. № 8561 - сонли ижро ҳужжати асосан 1997 й. и.ч. «OPEL OMEGA» д/р 01 А 201 ВА. Бошланғич баҳоси - 13 497 840 сўм. 7. 01.08.2011 й. № 7916 - сонли ижро ҳужжати асосан 1982 й. и.ч. «Москвич» д/р 10 F 897 DA. Бошланғич баҳоси - 624 739 сўм. 8. 14.07.2011 й. № 7662 - сонли ижро ҳужжати асосан 1982 й. и.ч. «Ваз 2109» д/р 10 D 82 31. Бошланғич баҳоси - 3 088 854 сўм. «Бекободсавдо» МЧЖда сақланмоқда. Охангарон тумани СИБ томонидан 9. 21.11.2011 й. № 508 - сонли ижро ҳужжати асосан 1991 й. и.ч. «Ваз 21061» д/р 11 Т 5688. Бошланғич баҳоси - 4 941 000 сўм. Тошкент вилояти, Охангарон тумани, «Ўзбекистон темир йўллари»га қарашли, Охангарон туман контейнерларни тушириб ортиш майдончасида сақланмоқда. 10. 16.04.2012 й. № 1-84/12 - сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. и.ч. «ИЖП 3» д/р 83 B1 TШИ. Бошланғич баҳоси - 803 000 сўм. Тошкент вилояти, Охангарон тумани, «Охангарон раҳмонтрансверс» майдончасида сақланмоқда. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 11. 16.01.2012 й. № 335 - сонли ижро ҳужжати асосан 1995 й. и.ч. «Есперо» д/р 40 W 901 ВА. Бошланғич баҳоси - 11 821 828,50 сўм. 12. 31.05.2010 й. № 8252 - сонли ижро ҳужжати асосан 1988 й. и.ч. «Москвич 412» д/р 11 S 845 ВА. Бошланғич баҳоси - 1 545 880,87 сўм. 13. 16.01.2012 й. № 333 - сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. «Ваз 21011» д/р 10 N 365 DA. Бошланғич баҳоси - 1 780 623 сўм. 14. 31.05.2010 й. № 8252 - сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. и.ч. «Ваз 2105» д/р 11 G 2126. Бошланғич баҳоси - 2 121 696 сўм. 15.

06.10.2011 й. № 10376 - сонли ижро ҳужжати асосан 1984 й. и.ч. «Ваз 2102» д/р 11 Т 7056. Бошланғич баҳоси - 1 382 031,26 сўм. 16. 26.10.2009 й. № 20789 - сонли ижро ҳужжати асосан 1979 й. и.ч. «Ваз 2106» д/р 11 Y 4226. Бошланғич баҳоси - 902 979,78 сўм. 17. 17.06.2010 й. № 9297 - сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. и.ч. «Газ 24» д/р 11 Т 8467. Бошланғич баҳоси - 686 852,63 сўм. Чиноз тумани СИБ томонидан 18. 1975 й. и.ч. «Уаз 469» д/р 12 F 1109. Бошланғич баҳоси - 1 902 558, 60 сўм. 19. 1991 й. и.ч. «ГПТС-4-793» д/р сиз. Бошланғич баҳоси - 754 318,80 сўм. Бекобод тумани СИБ томонидан 20. 01.03.2012 й. № 5249 - сонли ижро ҳужжати асосан 1989 й. и.ч. «Москвич» д/р 11 R 9813. Бошланғич баҳоси - 373 799 сўм. 21. 09.09.2011 й. № 21451 - сонли ижро ҳужжати асосан 1974 й. и.ч. «Ваз 2103» д/р 11 U 5308. Бошланғич баҳоси - 1 442 369 сўм. 22. 14.10.2010 й. № 17572 - сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. и.ч. «Камаз» д/р 11 K 3293. Бошланғич баҳоси - 17 205 404 сўм. 23. 14.10.2010 й. № 17572 - сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. и.ч. «Камаз 53212» д/р 10 R 639 AA. Бошланғич баҳоси - 17 059 257 сўм. 24. 14.10.2010 й. № 17572 - сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. «Камаз 5320» д/р 11 I 2685. Бошланғич баҳоси - 14 463 168 сўм. 25. 14.10.2010 й. № 17572 - сонли ижро ҳужжати асосан 1990 й. и.ч. «Камаз 53212» д/р 10 А 245 ВА. Бошланғич баҳоси - 18 839 584 сўм. 26. 31.08.2012 й. № 14510 - сонли ижро ҳужжати асосан «Урал» д/р сиз. Бошланғич баҳоси - 768 600 сўм. 27. 31.08.2012 й. № 14510 - сонли ижро ҳужжати асосан «Урал» д/р сиз. Бошланғич баҳоси - 768 600 сўм. Бекобод тумани Ёшлик ХХСКда сақланмоқда. 28. 14.06.2011 й. № 6908 - сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. «Газ 31105» д/р 10 Q 367 SA. Бошланғич баҳоси - 7 528 714 сўм. Бекобод тумани ИИБ ДАНБда сақланмоқда. Зангиота тумани СИБ томонидан 29. № 10145 - сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. «Мерседес бенс» д/р А 918 DV. Бошланғич баҳоси - 112 109 878 сўм. 30. № 10145 - сонли ижро ҳужжати асосан 1999 й. и.ч. «Тиркама» д/р 4804 AY. Бошланғич баҳоси - 27 844 759 сўм. 31. № 10145 - сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. «Мерседес бенс 2541» д/р А 713 VDA. Бошланғич баҳоси - 112 109 878 сўм. 32. № 10145 - сонли ижро ҳужжати асосан 1999 й. и.ч. «Тиркама» д/р 4802 AY. Бошланғич баҳоси - 27 844 759 сўм. 33. № 10145 - сонли ижро ҳужжати асосан 1996 й. и.ч. «Renault Magnun AE420 T» д/р X 595 HUN. Бошланғич баҳоси - 25 719 941 сўм. 34. № 10145 - сонли ижро ҳужжати асосан 1998 й. и.ч. «SCHMITZ» д/р 6998 XC. Бошланғич баҳоси - 34 681 950 сўм. Арт Булок ТИФ божхона постида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 2 январь кун соат 11:00 да бўлиб ўтади. 35. Зангиота тумани СИБ томонидан № 13522 - сонли ижро ҳужжати асосан 2007 й. и.ч. «Нексия» д/р 30 Т 9697. Бошланғич баҳоси - 11 587 000 сўм. 36. Зангиота тумани СИБ томонидан № 13521 - сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. «Дамас» д/р 30 S 3170. Бошланғич баҳоси - 11 893 000 сўм. Бурхон Савдо МЧЖда сақланмоқда. 37. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 10.12.2012 й. № 15475 - сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. и.ч. «Ваз 2106» д/р 20 U 147 AA. Бошланғич баҳоси - 1 628 842 сўм. «Бекободсавдо» МЧЖ омборида сақланмоқда. 38. Бекобод тумани СИБ томонидан 10.10.2012 й. № 21890 - сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. «Ваз 2011» д/р 10 R 317 AE. Бошланғич баҳоси - 2 100 000 сўм. Бекобод тумани Ёшлик ХХСКда сақланмоқда. 39. 13.11.2012 й. № 24428 - сонли ижро ҳужжати асосан 2008 й. и.ч. «Комбайн класс Доминатор-130» д/р ЭУ 30-57. Бошланғич баҳоси - 146 000 000 сўм. Бекобод тумани Деҳқонобод ф/хда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 2 январь кун соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 21 январь кун савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 4 февраль кун соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ «Ипотека банк» Шайхонтохур филиалида қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига такроран «O'ZSANOATQURILISHBANK» ОАТБнинг қуйидаги корхоналар устав фондидаги банк улушлари қўйилмоқда:

№	Аукционга қўйилган объект	Асосий фаолият йўналиши	Корхона жойлашган манзил	Сотувага қўйилган улуш	Закалат миқдори	Бошланғич баҳоси
1	«XAZORASP TAMI QURILISH» МЧЖдаги улуш	Темир-бетон ишлаб чиқариш	Хоразм вилояти, Хаворасп тумани, Мустанглик кўчаси.	95,4 фоиз	1 фоиз	709 000 000 сўм.
2	«MEGA-BETON» МЧЖдаги улуш	Темир-бетон ишлаб чиқариш	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Санъатчилар кўчаси, 1а-уй.	74,2 фоиз	1 фоиз	654 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 7 январь кун соат 12:00дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 4 январь кун соат 18:00.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдо голиби олди-сотди шартномаси имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичида улушнинг тўлиқ қийматини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пули «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Савдо филиалида қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор туман, 1-Корақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz.

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендер ўтказилади

Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензия мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:
2013 йил 24 январь соат 1000да

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Ҳаракат таркиби тури
1.	171	“М.Юсуф кўчаси АШБ – Чилонзор буюм бозори АШБ”	Микроавтобус
2.	181	“ТТЗ АШБ – Чилонзор буюм бозори АШБ”	Микроавтобус
3.	47М	“Қўйлик М-4 АШБ – Тузел 3-мавзеси”	Микроавтобус
4.	81М	“Сергели-7 мавзеси АШБ – Чорсу савдо маркази АШБ”	Микроавтобус
5.	85М	“Сергели супер улгуржи бозори Чилонзор 25-даҳа АШБ”	Микроавтобус
6.	88М	“Сувос мавзеси – Истиклол кўчаси АШБ”	Микроавтобус
7.	152М	“Авиасозлар АШБ – Бешёғоч майдони бекати”	Микроавтобус
8.	162М	“Авиасозлар АШБ – Аэропорт АШБ”	Микроавтобус
9.	199А	“Қўйлик М-2 АШБ – 4-шаҳар қабристон бекати”	Автобус

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга такроран қўйилмаган йўналишлар

1.	51М	“Тузел мавзеси – Юнусобод 19-даҳаси АШБ”	Автобус
2.	65М	“Авиасозлар АШБ – Сергели улгуржи бозори”	Автобус
3.	124М	“Уриқзор мавзеси АШБ – Консерватория бекати”	Автобус
4.	119А	“Чилонзор 20-даҳаси – РЭТ заводи бекати”	Автобус

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти. Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан бюрт-маномаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧОАКБ «Infin BANK»даги 20210000504197971001 х/р (банк коди 01041, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га 118 миң 900 сўм ўтказилади. Тендер тақлифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17.00 да) тўхтатилади. Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6 уй. Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич

ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан такроран 14.11.2011 й. № 361 - сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар, 3-даҳа, 1-уй, 1-қаватида жойлашган 79-сонли Савдо дўкони. Бошланғич баҳоси 56 055 216 сўм. 2. Бекобод шаҳар СИБ томонидан такроран 14.11.2011 й. № 13129 - сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар, Аббосова кўчасида жойлашган Цемент омборхонаси ва уни ёнидаги қурилиши тугалланмаган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси 98 110 653 сўм.

3. Бўстонлик тумани СИБ томонидан такроран 12.07.2011 й. № 1-246 - сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Фазалкент шаҳри, Бўстон кўчасида жойлашган Дўкон ер тўласи билан. Бошланғич баҳоси 94 369 464 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 2 январь кун соат 11:00 да бўлиб ўтади. 4. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 30.09.2012 й. № 1-4101 - сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Фазалкент шаҳри, Т. Малик кўчасида жойлашган 29-уй. Бошланғич баҳоси 125 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 21 январь кун соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2013 йил 21 январь кун савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 4 февраль кун соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода катнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтохур филиалига қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5049 3605 0002, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184 - уй. Телефон: (8 - 371) 266-80-76. Лицензия: РР-0052

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА:



филиали телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбир режасига мувофиқ, Учтепа тумани ҳудудидаги Фазилат, Боту, Кўркам, Нашриёт, Тақачи, Бирлик, Галаба, Назарбек, Учтепа кўчалари ва Назарбек КФЙда 2012 йил 19 декабрдан 28 декабр гача реконструкция ишлари амалга оширилади.

Филиал айрим ноқулайликлар учун сизлардан узор сўрайди.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 21 декабрь кун ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз қўнайишига имконият яратилади. Шарқдан секунди-ниш даражаси 1-3 фойз шамол эсади. Ҳарорат кўнайиши тахмин қилин-кечаси - 7-9 даража бўлади. Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз қўнайишига имконият яратилади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фойз шамол эсади. Ҳарорат кўнайиши тахмин қилин-кечаси - 7-9 даража бўлади.

